



Олий БАҲ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 23 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ИНСОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 3 декабр, жума № 192 (1825)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис ўн олтинчи сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юрtdошлар!
Хурматли депутатлар! Авваламбор, Олий Мажлисимизнинг бугунги якунловчи сессиясида сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан, сизларга ўзимнинг самимий тилаklarининг иззор этишдан хурсандман.
Мана, ҳаёт гардиши билан беш йиллик масофага ҳадемай сизлар билан бирга босиб ўтдик.
Аввало, мана шундай ўта мураккаб, нотинч ва тахликали замонда эл-юртимизнинг хизматиде бўлиб, аҳолимиз, халқимизни барча оғир синов ва тўфонлардан омон сақлашга муюсар бўлганимиз, иш фаолиятининг ўтган асрда бошлаб, бугун янги, йигирма биринчи асрнинг бешинчи йилга бола-чақамиз билан соғ-саломат қадам қўётганимиз учун Яратганимизга минг бор шукроналар айтишимизни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

катта мамнуният билан қайд этамин.
Дарҳақиқат, бу йиллар давомида Ўзбекистонимизнинг: - сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий давлатчилигимизни куриш; - халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш; - юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш; - асл маънавий-маданий қадриятларимизни, муқаддас одам динимиз арканларини, миллий удув ва анъаналарни тиклаш; - демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик институтларини тузиш; - кенг қўламли ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам улкан, тарихий ишлар амалга оширилди.
Сизларга тақдим этилган хисоботда ва ҳозиргина Олий Мажлис Раиси Эркин Халиловнинг ўтган даврда парламентимиз фаолияти тўғрисида қилган маърузасида, жумладан, юзга яқин қонун ва уч юздан ортиқ қарорлар қабул қилингани, бу ҳужжатлар биринчи навбатда эл-юртимизнинг қиёфасини ҳар томонлама ижобий ўзгартириш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва бекиёс имкониятларини очиб беришда, уларни бугунги ва келгуси авлодлар манфаати учун ишлатиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, сиз, хурматли депутатларнинг бу борадаги кўпқиррали ишларингиз ҳолисона таъкидланди.
Чиндан ҳам, бугун ҳаётимизнинг шиддат билан ўзга-

риб бораётган қайси жабҳа ва жараёнларини олмайлик, буларнинг барчасида парламентимизнинг ўрни ва таъсири, аҳамиятини ҳар қадамда кўриш мумкин.
Бугун иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, макроиктисодий барқарорликка эришилгани, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий таркибий ўзгаришлар рўй бераётгани, экспорт ҳажми кўпайиб, молия-банк тизими мустаҳкамлаётгани, юртимизнинг чиройи очилиб, кенг қўламли катта қурилишлар амалга оширилган, энг муҳими, халқимизнинг реал даромадлари ва ҳаёт даражаси яхшиланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур.
Қўлга қиртилган мана шу ютуқларнинг барчасини Олий Мажлисимиз 2000 йилдан бошлаб қабул қилган қонун ва қарорларнинг ҳаётимизга бевосита таъсири ва амалдаги намоёни, деб баҳолаш, уйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.
Парламентнинг шу ўтган вақт мобайнидаги фаолияти ҳақида сўз юритганда, мамлакатимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларга қарши курашда, халқимизнинг оқсоқлиги ҳаётини химоялашда қонунларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлгани ҳусусида гапирмасдан бўлмайди.
Нафақат халқимиз, балки бутун халқаро жамоатчиликни оғоҳлик ва сезгирликка, тинчлик учун курашишга чорлайдиган давлат ва баёнотлар Олий Мажлисининг юксак минбаридан ҳам қайта-қайта янграганини, парламентнинг халқаро терро-

ризм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва оммавий қирғин қуролиларнинг тарқалишига қарши олиб борган фаолиятини бугун яна бир бор эслаш жоиз ва ўринли, деб биламан.
Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, иқтисодий, жумладан, мулкчилик масалалари бўйича, хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг корхоналар ҳужалик фаолиятига, биринчи навбатда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш, бу борада қатъий ҳуқуқий пойдевор яратиш бўйича қабул қилинган қонунлар тараққиётимиз суръатларини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.
Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага алоҳида ургу бермоқчиман. Депутатларимизнинг фаолиятида қандай муҳим ва долзарб масалалар қўрилмасин, муҳома қилинмасин, ана шу қонун ва қарорларнинг барчаси бугунги замон тақдирлари билан ҳамроҳ эканини, улар халқаро қонунчилик андозаларига жавоб беришини, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаб қабул қилинганни алоҳида қайд этиш зарур.
Айниқса, биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоялаш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизда инсон манфаатларини устувор ўринга қўйишга, демократик қарорлар одамларимизнинг таъкидлашга чуқур сингиб боришига катта аҳамият бердик ва уйлайманки, бундай йўналишлар бундан кейин ҳам

эътиборимиз марказида туриши даркор.
Янги жаҳият куриш йўлида, демократиянинг энг катта шарти ва белгиси бўлиши ҳокимиятнинг мустақил тармоқларга бўлиниш принципи - яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ана шу андозаларга суяниб барпо этиш масалалари парламент фаолиятининг асоси ва негизини ташкил этгани эътиборга созвор.
Шу борада сиз, хурматли депутатларимизнинг суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида судлар ва прокуратура тўғрисидаги қонунлар, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштиришга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилганингиз, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоялашда адолат меzonларига суяниш мақсадида қонун ва кодексларнинг қайтадан қўриб чиқилиб, уларга зарур ўзгаришлар киритилгани, бундай ҳаракат ва қарорларимизни халқимиз ва халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.
Шунингдек, бугунги кунда хал қилувчи тармоқлардан бири бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида туб ислохотларни жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар аграр соҳани янги, замон талаб қиладиган босқичга қўтариш, унинг самарадорлигини ошириш, шу ҳисобидан асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолимизнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилганини эслаб ўтишимиз зарур, деб биламан.
Лўнда қилиб айтадиган

бўлсак, шу қисқа даврда парламентимизнинг, тақдор айтман, сиз, муҳтарам халқ нобилларининг юртимизни янада тараққий топтириш, Ватанимизнинг тинчлиги ва оқсоқлигини химоялаш, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришига ўз фаолиятингиз орқали салмоқли ҳисса қўшганингизни бугун мамнуният билан эътироф этишга барча асослар бор.
Қадрли дўстлар!
Бугун барчамиз 26 декабр куни мамлакатимиз тарихида биринчи бор икки палатали парламентга ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтadиган сайловлар нафаси ва кайфияти билан яшамокдамиз.
Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғлик ҳамроҳ эканини яна бир бор сингидан ўтказадиган жараён, деб қабул қилишимиз зарур.
Тақдор айтишга тўғри келади - бизларни кутаётган бўлгуси сайловлар авваламбор Конституциамиз меzonлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонунлар ва нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, эркин, очик ва ошқорча, четдан ҳеч қандай таъйиқ ва таъсир ўтказмасдан, ҳолисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоширодасини намоён қиладиган тарзда ўтиши шарт. Бунга барчамиз масъулмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳўкм қилинганлар жазодан озод қилинсин:
 - а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
 - г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган биринчи марта судланган чет эл фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳўкм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
3. Мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка ча-лингган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топишган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда касддан одам ўлдирши жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳўкм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда касддан одам ўлдирши жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
5. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганилиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳўкм қилиниб, тузалмиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек биринчи марта содир этилган ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар юзасидаги ҳўкм борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.
7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қўйидагича қисқартирилсин:
 - а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмига;
 - б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига.
8. Таъкид этилмасин:
 - а) мазкур Фармон - ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўта тартибни мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек муқаддас афв этиш ёки амнистия тартибиде жазодан озод этилган ва яна қасдан жиноят содир этган шахсларга;
 - б) мазкур Фармоннинг 1-4, 6, 7-моддалари - экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганилиги учун ҳўкм этилган шахсларга таъна.
9. Фармон эълон қилинган кундан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 1 декабр

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

2 декабр куни Тошкентда иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлади.
Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирилар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.
Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.
Давлатимиз раҳбари иккинчи чақирик Олий Мажлис депутатлари мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотларни ҳуқуқий асослаш, жамиятда тинчлик ва

уларга миннатдорлик билдирди.
Мамлакатимиз раҳбари икки палатали парламентга бўлажак сайловларнинг муҳимлигини таъкидлади. Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг умумэътироф этилган меъёрлар ва талабларга мослиги синови сифатида қабул қилишимиз керак. Табиийки, бу сиёсий жараёнда қатнашаётган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар парламентда кўпроқ жой олишга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ ва жамият манфаатлари, миллат бирлиги ва аҳлиқили хамма нарсадан устунлигини таъкидлади.
Сўнгра сессияда «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатлар блокунинг раҳбари, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, «Миллий тикланиш» Ўзбекистон демократик партияси раиси Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлар фракцияси раҳбари, Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари



барқарорликни сақлаш бўйича катта иш қилганини таъкидлади. Тарихга айланган бир палатали парламент Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Президент Ислам Каримов депутатлар халқининг юксак ишончини оқлаганини қайд этди ва беш йил давомида амалга оширилган ишлар учун

уларга миннатдорлик билдирди.
Мамлакатимиз раҳбари икки палатали парламентга бўлажак сайловларнинг муҳимлигини таъкидлади. Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг умумэътироф этилган меъёрлар ва талабларга мослиги синови сифатида қабул қилишимиз керак. Табиийки, бу сиёсий жараёнда қатнашаётган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар парламентда кўпроқ жой олишга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ ва жамият манфаатлари, миллат бирлиги ва аҳлиқили хамма нарсадан устунлигини таъкидлади.
Сўнгра сессияда «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатлар блокунинг раҳбари, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, «Миллий тикланиш» Ўзбекистон демократик партияси раиси Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлар фракцияси раҳбари, Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари



ДўСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЧЕГАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркманистон Президентини Сапармурод Ниязов жорий йилнинг 19 ноябр куни Бухоро шаҳрида ўтказган музокаралари чоғида икки томонлама муносабатларга доир барча долзарб масалаларни муҳомама қилган эдилар. Учрашувда икки давлат ўртасидаги чегарага доир масалаларни халқ этиш бора-сида ҳам қелишувга эришилгани.

Бухоро саммитида мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ўзаро ишончини мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида шартнома, фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби ҳамда чегарабўйи вилоятлар ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтишлари тўғрисида ҳўкуматларора битимлар имзоланган эди.
Олий даражадаги мазкур учрашув самараси ўлароқ, 1 декабр куни Қоракалпоғистон Республикаси Шуманай туманида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги давлат чегарасини демаркация қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.
Чегара ҳудудида чегарачилар, божхоначилар, саньаторлар, жамоатчилик вакиллари йилгидилар. Ҳарбийлар чегара устунини ўрнатилган киришди.



лан ўтказилган митингда демаркация ишлари бошланганини билдирувчи мазкур илк чегара устунилари Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг Бухоро учрашувда эришилган қелишувлар ҳаётда ўз аксини топаётганидан далолат эканлиги таъкидланди.
Бухорода давлат раҳбарлари имзо чеккан ҳўжатта биноан, Ўзбекистон томондан Хоразм ва Бухоро, Туркманистон томондан Дашоуз ва Лебоб вилоятларининг чегарабўйи пунктларида саудо марказлари очилади. Икки мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудидан ўтиш, яшаш, бориш-қелиш тартиби соддалаштирилди. Бир мамлакатга тегишли, лекин бошқа мамлакат ҳудудида жойлашган ҳўжаликларда хизмат қилувчилар рўхсатнома билан ишлайвериладиган бўлди.
Алоҳида эътиборга молик яна бир масала - чегарабўйи аҳолиси учун чегарадан ўтиб-ҳар ойда бир марта чегарадан визасиз ўтиб, уч кун давомида Дашоуз ва Лебоб вилоятларида меҳмон бўлиши мумкин ва аксинча. Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари эса чегарадан визасиз икки марта ўтиш ва жами етти кунгача қолиш мумкин.
Бу қелишувнинг аҳамиятини айниқса чегарадаги вилоятлар аҳолиси жуда яхши биллади. Тақдир тақозоси билан аё-ақалар, опа-сингиллар чегаранинг икки томонида истикомат қилмоқда. Тўймаърақда ҳар ким қариндош-уруғлар сафи тўлиб туришини истаيدди. Дийдор қадрли изохталб эмас.
- Ўзбек ва туркманнинг тили ва дини бир, маданияти чамбарчас боғлиқ, - дейди мамлакатимизда фаолият юритаётган Туркман миллий маданият маркази раисининг ўринбосари Собир Дурдиев. - Бу икки халқ асрлар мобайнида бир дарёдан сув ичиб келган. Истиқлол тўғрисида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга қўтарилди. Сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ўзаро манфаатли, тенг ҳўқуқли муносабатлар йўлга қўйилди. Давлат раҳбарларининг ўзаро бори-қондилари натижасида эришилган қелишувлар ҳамкорлик ривожига катта ҳисса қўшмоқда.
- Бугун халқларимиз Назовий, Махтумқули ва Бердакчи бирдай севиб ўқийшини, бахши-оқинларимиз қўйилдиган дostonларини ҳаммамиз бирдек севиб тинглашимизни эсламай илож йўқ, - дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туляевбергөн Қайиғбергенов. - Халқларимизнинг азалий ақлиниги бугун яна бир қарра аққол намоён бўлди. Икки мамлакат Президентларининг қелишув тўғрисида халқларимизнинг бир-бирига меҳри яндада қўшди.
Тадбир икки мамлакат саньаторларининг концерти билан ниҳоясига етди.
Анвар БОБОЕВ,
Ўза махсуус мухбири

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис ўн олтинчи сессиясидаги нутқи

(Боши 1-бетда)

Кейинги уч ой давомида шу масалага бағишлаб маълумотимизда бўлиб ўтган 7 та йирик халқаро конференция ва семинарларда 29 та, авваломбор, демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Шунингдек, Америка, Осиё қитъаларидаги нуфузли ташкилотлар вакиллари, кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар катнашганининг ўзи бизнинг бу сайловларга очик, яъни транспарент бир шароитда тайёрларлик олиб борганимизнинг тасдиғидир.

Хеч кимга сир бўлмагани керак - биз сайловларимизни ҳар томонлама демократик ва халқаро андозларга жавоб берадиган халқаро ҳамжамиятнинг, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини маълум, деб ҳисоблаймиз ҳамда сайловларга тайёрларлик кўриш ва ўтказиш даврида уларнинг танқидий, шу билан бирга, ҳолисона тавсия ва маслаҳатларини олишни ўзимиз учун мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Бу масалада қандайдир қобикқа ўралиб, ҳамма нарсани ўзимиз биламиз, деб тепадан келиш, бошқаларнинг тажрибасини менсимаслик, маслаҳатига бепишанд қараш каби ҳолатлар бизга номувофиқ эканини бутун халқаро жамоатчиликка намойн этишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг орзу-ниятимиз ва интилимимиз битта мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда сайловларимизни барча халқаро қузатувчилар билан ҳамкорликда юқори даражада ўтказишдан иборат.

Барчамиз яхши биламизки, сайлов - ҳар қайси фуқаро учун нафақат ўз хоши-иродасини ифода этиш, муносиб номзодни танлаш имконияти, балки бу - аввало кураш, демократ.

Бу сиёсий жараёнда иштирок этадиган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар

вакиллари парламентдан кўпроқ ўрин эгаллаш учун ўзаро баҳс-мунозара қилиши, кизгин тортишувлар олиб бориши табиий, албатта.

Демократиянинг табиати ва моҳияти аслида шунга тақозо этади ва буни барчамиз тўғри тушунамиз. Лекин, шу билан бирга, сиёсий кураш майдонига тушган партиялар, уларнинг фаоллари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзоди кўрсатилган шахсларнинг тарафдорлари ҳар қандай вазиятда ҳам халқимиз ва жамиятимизнинг ягона манфаати, миллатимиз бирлиги ва ахиллиги ҳамма нарсадан устун эканини унутмасликларини истардим.

Шу маънода, барчамиз миллий ғоямизнинг асоси бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчалар сайловда катнашадиган барча сиёсий кучлар учун муштарак мақсад бўлишини кутишга ҳақлигимиз.

Табиийки, бу борада партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакилларининг, сайловчилар ва депутатликка номзодларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, Конституциямиз, қонунларимизни ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўлиши керак.

Насиб этса, сайловчилар ишонч билдирса, сизларнинг орангиздан ҳам бу курашда голиб чиқиб, навбатда бизга номзод бўлишини давом эттириб, ишчанлик кайфиятини сақлаб қолади, деган фикрдаман.

Мана шу юксак миқдордан туриб, сиз, азизларга Ватанимизни улуғлаш ва химоялаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида қилган самарали меҳнатингиз учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдираман. Барчангизга сикхат-саломатлик, бахту саодат, келгуси фаолиятингизда эса ютуқ ва омадлар тилайман.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

қўмитаси раиси И.Кочмарик, «Адолат» Ўзбекистон социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаркати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари Қ.Тошматов сўзга чиқди.

Бу чиқишлар вақтида Президент Ислам Каримов сиёсий партиялар ва блоклар депутатлар фракциялари раҳбарлари ҳамда сессия иштирокчилари эътиборини давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича партияларнинг позициясини аниқроқ белгилаш зарурлигига қаратди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар парламентда жой учун курашиши, уммакат олий қонунчилик органининг юксак миқдордан туриб ўз сайловчилари манфаатларини химоя қилиши лозимлигини уқтирди. Шундангина биз ҳақиқий кўппартиявийликни таъминлай оламиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000-2004 йиллардаги фа-

олияти тўғрисидаги хисоботни маълумлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўйилган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири С.Рахимов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов кўшимча маъруза қилди.

Бу ҳужжатлар муҳокамасида Эликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, «Ўзгеобургунефтвазқазбичқариш» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродов, Андижон тумани ҳокими Х.Хакимов, Фалларол тумани Тоғзауруқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Норқуллов, Хатирчи тумани Акмал Икромов номидаги ширкат ҳужжалиги



бошқаруви раиси Э.Қаҳоров, Бандиқон тумани ҳокими У.Чўтбоев, «Амубуҳорканал-қурилиш» 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Э.Ҳайдаров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўйилган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева тақдим этди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси ушбу қонун лойиҳаси

муҳокамасидан бошланди. Унда Янгйбозор тумани ҳокими Э.Юсупов, Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудири М.Анварова, «Кашқадарёавтоўй» бир-

лашмаси раиси Қ.Панжиев, Қўрғонтепа тумани «Оқсув» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Аҳмедов катнашди.

Олий Мажлис «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарорни қабул қилди.

Шундан кейин Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунларни ва уларни эътиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов сессия муҳокамасига ҳавола қилди.

Мазкур ҳужжат муҳокамасида парламентнинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятини таъминлаш комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, Марғилон шаҳри ҳокими А.Ақромов, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Термиз шаҳри халқ таълими бўлими мудири Р.Каттаева катнашди.

Олий Мажлис «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 3 декабр кўни ўз ишини давом эттиради.



ФАРЗАНДЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ


Пойтахтимиздаги 52-меҳнат таълими мактабида «Фарзандларга меҳр улашиб» мавзюда алабий-мусликий тадбир ўтказилди.

Мамлакатимизда миллати, эътиқоди, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар ҳар бир ўғил-қизнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит яратилган. Мазкур илм даргоҳида икки юз нафарга яқин алоҳида табиий кўмакка муҳтож бола ўқийди.

Табиий кўмакка муҳтож кишиларга муруват кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан, деди мактаб директори Раъно Ҳамроалиева. - Меҳр ва муруват йўлида эса бундай савобли юмушлар қўламини янада кенгайтириш мумкин. Муассасамиздаги ҳар бир бола шифокорлар ва педагогларнинг доимий эътиборида. Бу ерда ўқувчиларга билим бериш баробарида тикувчилик, дурадгорлик, чилангарлик каби касб кўникмаларини эгаллашларига ҳам яқиндан ёрдам берамиз.

Тадбирда ижрочи ёшлар иштирокида мусликий дастур намойиш этилди. Ўқувчиларга турли вазирилик ва идора, халқаро ташкилотларнинг совғалари - ўқув қуроллари ва китоблар топширилди.

нон» кичик корхонаси саккиз йилдан бўён фаолият кўрсатмоқда. Унда ойига 25-30 тонна сифатли, мазали нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. **Суратларда: илгор ишчилар Жасур Жуманиёзов ва Расул Абдуллаев; ўз касбининг усталари Дилдора Ёқубова ва Роза Тожиматова.** **Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар**



Турсун Қамбаров номидаги Фарғона касб-хунар билим юрти 2004-2005 ўқув йилидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик хузуридаги республика ногиронлар коллежида айлантирилди.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Бу ерда таълим-тарбия олаётган ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Фан кабинетлари, спорт иншоотлари, ётоқхона улар ихтиёрида. Айна пайтда ҳомийлар кўмаги билан коллеж бизнесини мукамал таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Бу ерда фақат водийдан эмас, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидан ҳам келган 450 нафар йигит-қиз таҳсил олапти, - дейди коллеж директори Аъзамжон Оқунжонов. - Улар асосан ногиронлар, шунингдек, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир. Йигит-қизлар билим олиш билан бирга тикувчилик, қосибчилик, ҳисобчилик, телерадио устаси каби касбларни ўрганишга қўйилади.

«Шовотдонмаҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти аҳолига сифатли ун, гуруч, нон ва нон маҳсулотларини етказиб бермоқда. У 1956 йилда барпо этилган бўлиб, бугунги кунда тўлиқ таъмирдан чиқарилди ҳамда замонавий ускуналар билан жи-

ҳозланди. Бу эса маҳсулот сифатини янада оширди. Корхонада жорий йили ўн олти минг тонна ун ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ҳозиргача бу кўрсаткич 13,5 минг тоннага ташкил этди. Жамият қошида «Иссиқ



Қонун барчага баробар

Яна бир муаммо фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги, ҳуқуқий билимлари етарли

ҳодимларининг ғирромлик қилгани судда аниқланди. Бундай масъулиятсиз одамлар ҳақиқий мулкдор бўла оладими?

Бундай ҳолатларга дуч келар эканмиз, бир фикр табиий равишда пайдо бўлади. Фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ҳокимликлар, адлия идоралари ва бошқалар томонидан бир мунча ишлар амалга оширилиши керак. Лекин бу борада асосий масъулиятни деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси ўз зиммасига олиши керак шеккили. Бусиз фермерлар замонга, жамиятдаги ўзгаришларга ҳамнафас бўлолмайдилар.

У.ЭРНАЗАРОВ, Самарқанд вилоят ҳўжалик суди раиси

ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

«Зиёдулло» фермер ҳўжалиги шартномада белгиланган 126 тонна галланди етказиб бермагани учун «Жомбойдонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти фойдасига 29 миллион 452 минг сўм тўлашга мажбур бўлди. Пастдарғом туманидаги «Бобуршоҳ» фермер ҳўжалиги қатор йиллар мобайнида шартномавий мажбуриятларини бажармай келган. Оқибатда ер ижара шартномаси бекор қилиниб, ер ҳокимлиги ихтиёрига қайтарилди.

Устюрт кенгликларида ҲАЗИНАТОПАРЛАР

Устюрт кенгликлариди... Бир томони қўшни Қозғистон республикаси ҳудудларига қадар ястанган беповён далау - даштлар. Қўш унса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган қумликлар. Кимсасиз сахрога илк бор қадам қўйган машаққатли касб эгалари бургуловчилар хисобланади. Улар қиш қаҳратони, ёз жазираси, баҳор ва куз инжиқликларини мардондор енгиб, ер қаҳридан ҳазиналар булогини очмоқдалар.

Чўлдаги Устюрт қидирув бургулаш бошқармасига мана бир неча йилдирки, ишбилармон мутахассис, «Қоракалпоғистон Республикасида ҳизмат кўрсатган санаот ходими» Ҳамро Турдиев раҳбарлик қилаяпти.

Сахро шароитида ишлаш осон эмас, - дейди бошқарма касбаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Жуманов. - Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасига асосан дала шароитида меҳнат қилаётганлар учун қўлайликлар яратилди.

Яхши шароит умумли меҳнатга чорляпти. Турли миллат вакиллари билан ташкил топган кўп кишилик жамоа Вазирил Маҳаммадининг «Устюрт минақасида нефть ва газ конларини очишда геологик қидирув ишларининг биринчи галдаги вазифаси тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

«Устюрт пасттектилиги ва Орол Денгизи акваториясида углеводород

роҳ хомашёси истикболини ўрганиш дастури» бўйича полезоли ва юра қатламларини ўзлаштириш юмушлари жадал олиб борилаяпти. Илгари тўлиқ текширилмаган Тахтақайр ва Судочье ҳудудида нефть газ захираларини ўрганиш ва аниқлашга кизгин киришилган.

Ҳазинатопапарларнинг самарали фаолияти туфайли Шарқий Бердақ «Сургул», «Учсой», «Шимолий Орол», «Шагирлик» каби 5 та конденсат қони очилди. Айна пайтда Мўйноқ тумани ҳудудида кенг ҳажмдаги геологик қидирув ишлари давом этмоқда.

Бургуловчиларнинг фидойи меҳнати билан режадаги 4 та ўрнига 7 та қудуқ қуриб битказилди, 29 та иншоот синавдан ўтказилди. Янгидан Орқа Бердақ қони очилди.

Ийрик жамоанинг савий - ҳаракатлар ўзининг иқтисодий самарасини бермоқда. Тармоқда 305 миллион сўмликдан ортиқ соф фойда олинди. Рентабеллик даражаси ўсиб бормоқда. Қўлга киритилган ютуқлар кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Курол Султонов, Анвар Фахриддинов, Олим Тешаев, Ойбек Холмуродов, Руслан Оллоёров, Серик Қўлназаров, Курол Адинбоев, Оқжўл Абдешев, Ҳамид Сафарбоев сингари серғайрат бургуловчилар меҳнати самарасидир. Жорий йил охирига қадр 23 минг 500 погонметр бургулаш, шунингдек, 9 та қидирув текширув қудуғи қурилишини тугаллаш, янгидан «Армон», «Қоравқум» майдонларини пармалаб, ишга туширишга аҳд қилган ҳазинатопапарлар янгидан-яңи нефть-газ манбаларини излаб топмоқдалар.

Бургуловчилар оғир шароитда ишлашади. Ҳаётда ҳамма нарса рўй бериши мумкин. Бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган Кеунимжай Нажимовнинг оиласига 1 миллион 828 минг 770 сўм тонов пули ва нафақа тўланди. Айна пайтда Қўнғирот туманлароқ фуқаролик суди қарори билан етарли асосларга эга бўлмаганлиги учун М. Қушербоевнинг оила аъзоларига нафақа тўлаш рад этилди. Кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, қария ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилапти. Ходимларга иш кийимлари тўлиқ таъминланган. Касбаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш чоралари қўриляпти.

И.ХИКМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Олов - ёв

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Қуз ва қиш фаслида об-ҳаво кескин совийш муносабати билан ёнгинлар кўпроқ содир бўлади. Чунки бу мавсумда турли хил иситиш мосламаси ва асбобларидан фойдаланилади.

Шайхонтоҳур туманида шу йилнинг 9 ойи давомида 143 та ёнгин содир бўлиб, ундан келтирилган моддий зарар катта суммани ташкил қилади. Ёнгинларда 2 киши тан жароҳати олган.

Ёнгин билан боғлиқ аксарият янгилик ҳодисалар кундалик турмушда одамлар томонидан йўл қўйилмаётган бепарволик, лоқайдлик, масъулиятни унутди қўйиш каби иллатлар оқибатида рўй бермоқда. Масалан, М.Уйғур кўчаси 349а-ўйда телевизор ўчирилмай қолгани натижасида ёнгин содир бўлиб, хонадон томи ва уй жиҳозлари ёниб кетган. Отажонов кўчаси 18-ўйда очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижасида уй томига зарар етказилган.

Шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш ва турар-жой биноларини ёнгинга қарши ҳолатини мустаҳкамлаш ишларига маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ҳам эътиборни қаратса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилмаган хонадонлар эгаларини маҳалла қўмиталарида қўриб чиқиб, очик майдонларда йилғили қолган хазонларни жойида ёқмасдан туман «Махсустрон» корхоналарига хабар бериб, ҳар бир фуқаро ёнгин офатини олдини олишга эътибор берса, ўз уйларида, мол-мулкларимизни ва фарзандларимизнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлар эдик.

Д.РОҲАТАЛИЕВ, Шайхонтоҳур тумани ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори, милиция капитани

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Тошкент вилояти

Тошкент вилоятининг мамлакатимиз таракқиётидаги ўрни ва аҳамияти бекиёс. Бу ҳудудда иқтисодий негизини белгилувчи тоғон металлургия, ёқилги-энергетика, кимё ва қайта ишлаш саноати ривож топган. Бугунги кунда қай соҳага қарамай, барчасида кўпмиллатли вилоят ахлининг фидокорона меҳнатини кўрамиз.

Вилоят касабаси уюшмаларида ҳисобот-саноатлар қизғин давом этмоқда. Ушқоқлик, ташкилотчилик, айни пайтда ошқоралик, ўз-ўзини танқид ва қизғин фикр-мулоҳазалар билан ўтаётган йилгиликларда асосий эътибор касабаси уюшмалари нуфузи, ҳаётдаги ўрни ва мавқеини янада кучайтиришга, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини оширишга қаратилган. Шу билан бирга янги сайланаётган касабаси раислари ҳар томонлама етук, ташаб-

эса 3000 тадан ошиб кетди. Айни кунда вилоятда 500 минг нафар уюшма аъзолари жамоа шартномалари орқали қамраб олинган. Айниқса, жорий йилда тузилган жамоа шартномалари вилоят кенгашининг меҳнат-кашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини химоя қилишга қаратилган дастурларига алоҳида эътибор берилган ва корхоналарнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда касабаси уюшма аъзоларининг манфаатларини қўловчи мингдан орტიқ бандлар киритилган. Уларнинг бажарилишини таъминлаш, айниқса ёшлар, аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, меҳнат ташлиги қўшимча ҳақ тўлаш, даволанишлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш каби масалаларнинг ечими кенгаш томонидан алоҳида назорат қилинмоқда.

Вилоят кенгаши Меҳр ва муруват йили муносабати билан алоҳида дастур ишлаб чиққан. Ушбу муҳим ҳужжатга асосан жорий йилда 7 минг нафар касабаси уюшма аъзолари ва 17 мингга яқин уларнинг фарзандлари соғломлаштирилди. Шунингдек, 45 нафар қишлоқ хўжалик ходимлари бепул йўлдан ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Байрамларда меҳнат фахрийлари, яқин-ёқин қарияларга ҳам моддий ёрдам уюштирилди. Наврўз байрами муносабати билан 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 787,5 минг сўмлик пойабзал олиб берилди. Шунингдек, 260 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва 20 нафар хизмат даврида ҳалок бўлган ИИБ ходимлари фарзандлари оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Ушбу мақсадлар учун ижтимоий сугурта маблағидан 13,3 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари, хўжаликлар ва тармоқ қўмиталари томонидан 761 нафар мактаб-интернат болалари ва кам таъминланган оила фарзандларининг сўлим оромгоҳларда бепул дам олиш таъминланди.

Нуронийлар дуоси - эл мудоаси. Катта ҳаётий таърибга эга бўлган қарияларнинг саломатликларини тиклаш, санаторий ва курортларда дам олишларини таъминлаш учун 39,8 миллион сўм сарфланди. Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати касабаси уюшмаси томонидан 332 нафар (147 таси бепул) фахрийлар санаторий-профилакторийда дам олдирилди. Шунингдек, жорий йилда кам таъминланган ва кўп босали ходимлардан 1500 нафарига санаторийларга бепул йўллана бериш кўзда тутилган.

Ҳа, эзгулик - меҳр-муруватдан бошланади. Вилоят касабаси уюшмалари кенгаши муҳофизатга ёрдам бериш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, етим-есирларга хайр-саховат кўрсатишни фаолиятининг мезони деб билади. Вилоятдаги 3 та Меҳрибонлик уйи, 9 та мактаб-интернат тарбияланувчиларини Кенгаш ўзи ҳомийлигига олган.

Муҳайё Тўлаганова,
Тошкент вилояти касабаси уюшмалари Кенгаши раиси



Хорижлик биродалар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонамиз мамлакатимиз валюта захирасини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратишга салмоқли улуш қўшмоқда. Корхонамиз пахта толасидан қалайи ва хом сурп ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қувончли томон шундаки, тайёрланаётган маҳсулотлар хариддорлиги сабаб хорижга экспорт қилинади.

Ишон меҳнати қадрланган, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида гамхўрлик қилинаётган, қўйингиз, манфаат ва рағбат кўрган жамоада сидқидилдан ишлайди. Қўшма корхонамизда меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатини химоя қилиш «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги Қонун, Меҳнат Кодекси, тармоқ Низоми ва Ўзбекистон Касабаси уюшмаларининг Ҳаракат дастури асосида амалга оширилади. 2000 йил августда ўтказилган навбатдан ташқари конферен-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ аввалгиларидан фарқи нимада?

шқари иш миқдори 120 соатдан ортиқ бўлишига йўл қўйилган эди. Бундан ташқари, иш бериувчининг ташаббуси билан бошқа ишга ўтказиш мумкин, меҳнатга ҳақ тўлашининг аниқ миқдори кўрсатилмаган, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурати туфайли ишчини бошқа ишга жалб қилиш ёки тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши мумкин бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати берилмаганди. Қайта тузилган жамоа шартномасида ишчилар учун қўллаб-қувватлаш яратилди. Ишчиларга қўшимча таътил, моддий ёрдам уюштириш каби шароитлар жумласидандир.

Корхонамизда ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бепул тушлик ташкил этилган. Ишга бо-

Шухрат ҚОСИМОВ,
«Қабул-Ўзбек» қўшма корхонаси касабаси уюшма қўмитаси раиси

КЕНГАШ ҲОМИЙЛИККА ОЛДИ

бускор, жамоада катта таъсир кучига эга, истиқболни кўра оладиган, жамоа қалбига йўл топан, ходимларни ўзига эргаштира оладиган, бир сўз билан айтганда, етук, ҳуқуқий билимдан бўлишига эришилмоқда. Негаки, бозор иқтисодиёти шароитида олдимизга қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, жамоадаги муҳит, одамларнинг қайфияти кўп жиҳатдан касабаси раисларининг фаолиятига, пиროвард иш натижаларига боғлиқ. Қолаверса, нуфузли ташкилот вакили сифатида касабаси раиси иш бериуви билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи, ўртада келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олувчи, ҳар ишда уюшма аъзоларининг манфаатларини қаттиқ туриб химоя қилиш билан бирга ходимларни мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб қила олиши лозим.

Вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши, айниқса, бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уюшма аъзоларининг ҳар томонлама химоялаши кучайтириш, маданият ва маънавиятни юксалтириш, ишловчиларга беҳавотир меҳнат шароити яратиш устидан назоратни кучайтириш борасида аниқ, мақсадли ишларни амалга оширмоқда. Ўтган даврда барча соҳа бошланғич ташкилотларига кенгаш мутахассислари ташриф буюриб, Қурултой қарорларининг бажарилишини таҳлил қилдилар. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан уларга керакли маслаҳатлар, амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатдилар. Жорий йилнинг феврал-апрел ойларида алоҳида дастур асосида бошланғич ташкилотлар фаолияти учун ўқув-семинарлар ташкил этилди. Бу тадбирларда касабаси уюшмаларининг марказий, вилоят ҳамда туман, шаҳар тузилмалари раҳбарлари, жойлардаги ҳокимият вакиллари, шунингдек, мутахассис



лаш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш борасида вилоят ҳокимлиги ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси имзолаган келишув шартларининг ҳар бир банди бажарилиши назоратга олинган.

Сўнгги беш йилда жамоа шартномалари ва Келишувлари мазмун ва моҳияти мукамаллашди. Меҳнат Кодекси ва амалдаги қонунлар талаблари асосида қайта қўриб чиқилди. Агар 1994 - 95 йилларда вилоятда 2 мингга яқин жамоа шартномаси тузилган бўлса, 1998 йилда улар сонини 2749 тани ташкил этди. 2003 йилда

СПОРТ КЛУБИ ёшлар ихтиёрига топширилган

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда спорт - соғломлаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, оммавий спорт тизимини яратмай туриб қўзғалган мақсадга етиш қийин. Вилоят касабаси уюшмалари кенгаши тасарруфидида барча жамоатчилик ташкилотлари ҳам ушбу келаётган ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб ўлгайишлари учун алоҳида дастур асосида кенг мақсадда ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, тармоқларда спорт атракционлар ўтказилиб, қолиб ва соғирларнинг муносиб тақдирларини кўришга кўриштирилди. Кейинги беш йилда ўтказилган ана шундай мусобақаларда 160 минг нафардан ортиқ киши қатнашганини фикримизнинг исботидир. Мусобақаларнинг юқори савияда ўтказишга ва қоллиқларни тақдирлашда вилоятнинг ёқилги, энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари, таълим ва фан ходимлари, енгил, меҳнат саноати ва коммунал миқий хизмат ходимлари, соғлиқни сақлаш ходимлари қа-



саба уюшма қўмиталари ва уларнинг жойлардаги туман, шаҳар қўмиталари фаолият кўрсатишди. Вилоят кенгаши Аграр университет раҳбарлари билан келишиб, бу ердаги спорт меҳмонхонасига вилоят оқир атлетика, дзюдо ва бокс олимپияда заҳиралари мактабни қўйди. Бундай ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаш эса талаба-ёшларни спорт меҳнатларини оширишга замин яратди. Натикада 2000 йилда университет спорт клубида 2 нафар республика тарма жамоалари аъзолари бўлса, жо-

рий йилда 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 9 спорт устаси, 27 спорт усталига номзад, 161 нафар даржа ва 267 нафар оммавий даражалли спортчилар таърифланди. Университетнинг III курс талабаси А. Чориев Осиё чемпиони

лар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, Олмалик шаҳрида замонавий теннис корти, Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалигида спорт мажмуаси, Юрчи Чирчиқ, Зангиота, Бўстонлик, Оангарон, Покект туманларида янги спорт майдонлари қурилиб, ишга туширилди. Бекобод шаҳридаги БУСМ мажмуасига қарашли спорт зали замона талаблари даражасида қайта таъмирланди. Ушбу спорт мажмуасига вилоят кенгаши 7,8 миллион сўмлик спорт атракционлари ва меҳнат топширди. Тошкент туманидаги 4-сон БУСМ кураш зали ҳам қайта таъмирланди, иккара ҳаққисиз шу ҳудудда яшаётган болалар ихтиёрига берилди ва 2 миллион сўмлик спорт тўшаклари ва бошқа жиҳазлар олиб берилди. Бундай эзгу ишларни санаб айтиш мумкин.

Кейинги беш йилда вилоят кенгаши мураббийларни ўқитиш ва қайта билимини оширишга алоҳида жонбозли кўрсатди. 2000 йилда 12 нафар спортчи ва мураббийлар олий ва ўрта мақсус билим юрталарига юрган бўлсалар, жорий йилда улар сонини 18 тадан ошиб кетди. Бундан ташқари, ҳар йили спорт йўлқўчилири, спорт клуби ходимлари ва БУСМ мураббийлари учун вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва

содий, ҳуқуқий манфаатларини химоя қилишга қаратилган. Бу муҳим иш Меҳнат Кодекси талабларига асосан ижтимоий шерикчилик таъминоти яратилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, бу йилги ҳисобот-саноат борасида барча даражадаги касабаси уюшма ташкилотлари учун муҳим синов давридир. Вилоятимиз тасарруфидидаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг касабаси уюшмаларида август-октябр ойларида ҳисобот-саноатлар ўтказилди.

ИШНИНГ ТАҚДИРИНИ фидойилар ҳал этади

Барча соҳаларда бўлгани каби табибёт соҳасида ҳам ислохотлар изчил давом этмоқда. Бундан қўзғаланган асосий мақсад аҳолига жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатадиган, табиб муассасаларни шакллантириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлашдир.

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма қўмитаси тасарруфидида айни пайтда 70 минг нафарга яқин касабаси уюшма аъзолари бирлашган. 15 та туман, 5 та шаҳар вакиллик, 1 та олий, 8 та ўрта махсус ўқув юрталари касабаси уюшма қўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Тармоқ касабаси уюшма қўмитаси фаолияти бозор иқтисодиёти шартларида табибёт ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий-иқти-

бўлди. Жонли мулоқотлар чоғида касабаси уюшмалари олдида турган вазифалар белгиланиб, амалий, услубий ёрдам кўрсатилди ва уюшмага аъзоларининг афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Шунингдек, «Раислар кўни» мунтазам ўтказилди. Зеро, бугун ҳаётнинг ўзи касабаси уюшмалари тизимини тубдан такомиллаштириш, ишчан, ўзгаришларга тезда мослашадиган тузилмаларни жорий этишни талаб этмоқда.

Ушбу келаётган ёш авлодини ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳисобот-саноат даврида тармоқ ходимларининг саломатликларини тиклаш, айниқса, уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. 1999 йилда тармоқ ходимларига 22 миллион 260 минг сўмлик 420 та, 2000 йилда 24 миллион 451 минг сўмдан ортиқ 461 та, 2001 йилда 25 миллион 680 минг сўмлик 428 та, 2002 йилда 55 миллион 174 минг сўмлик 549 та, 2003 йилда 121 миллион 500 минг сўмлик 810 та, жорий йил 9 ойида 31 миллион 920 минг сўмлик 168 та йўлланмалар берилди, соҳа ходимларининг дам оlish саломатлигини мустақкамлаш учун гамхўрлик қилинди. Ҳисобот-саноат қилинида 3335 нафар болалар дам олдирилди.

Дилором ТОШМАТОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма вилоят қўмитаси ташкилий бўлими мудири

ОДАМЛАРГА НАФИМИЗ ТЕТСИН

Бугунги касабаси уюшма аъзоси ҳар томонлама сиёсий ва иқтисодий билимга эга, ўз ҳақ-ҳуқуқини англаётган шахс. Унинг сўровлари, талаблари ҳам шунга яраша. Бу эса касабаси уюшма етакчилари зиммасига катта масъулият юклямоқда. 2000 йилда касабаси уюшмамиз тасарруфидида 67 та корхона ва ташкилот бўлиб, уларнинг умумий аъзолари сонини 13061 нафар кишини, шундан 1797 нафари аёлларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида корхона ва ташкилотлар сонини 72 тага, уюшма аъзолари эса 14 минг 200 нафардан ошиб кетди.

Ҳа, кучли касабаси уюшмалари, бу бақувват, ҳар ишга қодир бошланғич касабаси уюшма ташкилотларидир. Бунга эса Ушбу талаблари, қабул қилинган қарорларни бажармасдан, ижронин назорат қилмасдан, энг муҳими, иш натижаси учун маъсулият, саяёҳаракатлар бирлиги ва бирдамликсиз эришиб бўлмайди. Шу мақсадда тармоқ қўмитаси «Тошкентуйловчитранс», «Тошкентюктранс» ва «Тошкентавтотойул» биришмаси билан ҳамкорликда битимлар имзолаган. Ушбу ҳужжат шартларининг бажарилиши раёват йиғилишларини қўриб чиқилди. Шунингдек, ёлғиз кексалар, пенсияонерлар, ноғиронларни ижтимоий химоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ички амалга оширилмоқда. Ишчи ва ҳайдовчилар ўртасида асосий мутахассисликлар бўйича «Йилнинг энг яхши ҳайдовчиси», таъмирловчи, муҳандис-техник» қўриқ-танловлари, автотобус-таксимотор саройларида эса мини футбол, шохмот-шашка, стол тенниси ва бошқа

спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу эса иш умумдорлигини ошириб, жамоалар ахли ўртасидаги муносабатларни яхшилади. 2000 йилда йўловчи ташуви ҳажми 340,6 миллион йўловчинини, умумий даромад эса 3479,4 миллион сўмни ташкил этди. Меҳнатини муҳофазасида қилиш тадбирлари учун 8238,5 минг сўм, атроф-муҳитни муҳофазасида қилишга 2172,3 минг сўм, «Соғлом авлод» йили тадбирлари учун 31,3 миллион сўм сарфланган ҳамда ходимларни соғломлаштириш учун санаторий ва дам олиш уйлари 83 та йўллана берилган бўлса, жорий йилга келиб бу борадаги ишлар бир неча баробар ўсди ва йўловчиларга хизмат қўриқчи ҳажми ва сифати яхшиланди.

Оммавий спорт ва соғломлаштириш хамиша диққат марказимизда бўлди. 2000 йилда спорт тадбирлари 30 минг сўм сарфланган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 3,6 миллион сўм сарфланди. Бошқача айтганда, ўтган беш йилда ушбу мақсадлар учун сарфланган маблағ қарийб 9,2 миллион сўмдан ошиб кетди. Вилоят тармоқ касабаси уюшмалари тасарруфидида уюшма аъзоларининг 4910 нафари давлат, 8151 нафари жамоа корхоналарида ишлайди. 2000 йилда қабул қилинган 67 та жамоа шартномаларидан 25 таси давлат, 42 таси жамоа ташкилотларига тегишли. Жамоа шартномасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар бўйича 942 банддан 936 таси бажарилинган. Нарҳлар ўзгариши билан меҳнатга ҳақ тўлаш механизми бўйича 26 банд қабул қилинган

Нуқтани назар

булиб, 24 таси бажарилган. Ходимларни иш билан таъминлаш ва қайта ўқитиш бўйича 537 банднинг барчаси, иш ва дам олиш вақти бўйича 825 банддан 819 таси, ходимлар, жумладан аёллар ва воғга етмаган шахсларнинг иш шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича 932 банддан 918 таси, ихтиёрий ва мажбурий табибий химоя ва меҳнатини таълим билан қўшиб олиб бориш бўйича бандларнинг барчаси бажарилган. 2003 йилга келиб жамоа шартномалари сифат ва салмоғи ошиб, ҳар бир ходимга ўртача сарфланган маблағ 42,4 минг сўмдан ошиб кетди.

Вилоят тармоқ касабаси уюшма қўмитаси корхоналари бўйича 2000 йилда ижтимоий имтиёз-



КАДРДОНЛАР

Хабарлар оқимидан

ЭЗГУ НИЯТ

Бугунги кунда Ўзбекистонда 170 мингдан ортик корейс миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилади. Тошкент-Корейс марказининг ташкил этилиши корейс тили ва маданиятини тарғиб қилишда муҳим омил бўлди.

МЕХРОБОНЛИК УЙЛАРИГА МЕХРОБОНЛИК

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси меҳрибонлик уйлари тарбиячи ва мураббийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида қатор хайри ишларни амалга ошириб келмоқда.

КОНЦЕРТ ДАСТУРЛАРИ ЯНГРАЙДИ

Таниқли ўзбек бастакори, дирижёри ва педагоги Фаттох Назаров номи мусика ихлосмандларига яхши таниш. Кўп йиллик ижодий фаолияти давомда талайгина асарлар яратди. Унинг мусикали драмалари, вокал-симфоник асарлари, болалар учун ёзган кўшиқлари концерт дастурларидан кенг ўрин олди.

ИЖОДИЙ ХИССА

Қадимий ва гўзал Самарқанддаги қўна обидалардан бири ҳисобланган Шоҳи Зинда маданий ёдгорлигини қайта таъмирлаш тadbирлари қўрилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг мақсус қарори билан амалга оширилаётган бу ириқ бунёдкорлик ишлари кенг қўламда олиб борилади.

А.АЛИЕВ

Армрестлинг БИЛАГИДА КУЧИ БОР

Жанубий Африка республикасининг Дурбан шаҳрида армрестлинг бўйича жаҳон чемпионати баҳслари нияосига етди. Унда дунёнинг 31 мамлакатидан 250 нафардан зиёд спортчилар иштирок этди.

Армрестлинг бўйича Осиё мутлоқ чемпиони Фарид Усмонов словакиялик кўп карра жаҳон чемпиони Ян Германусга муносиб қаршилик кўрсатди. Бироқ тажриба бобида анча етуқ бўлган европалик спортчи ғолиб чиқди.

Чемпионат доирасида фахрийлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон армрестлинг федерацияси вице-президенти Фикрат Керимов баҳсларда иштирок этиб, кучли олтиликдан жой олган бўлса, навойилек Игор Шишков туринчи ўринни қўлга киритди.

А. МАМАЖОНОВ

Харбий хизмат — муқаддас бурч

Қуролли кучларни мустақкамлашнинг асосий йўналишларидан бири — сержантлар тайёрлаш тизими шакллантирилаётганлиги профессионал армияга ўтish соҳасида муҳим қадам бўлди.

Шимоли-ғарбий округ қўшинларида сержантлар хизмат нуфузини оширишга қаратилган бир мунча ишлар амалга оширилмапти. Ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабини шартнома асосида 124 киши битириб чиқди.

Бугунги сержант миллий армиямиз таянчи ва суянчи, дейди округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шўхрат Тўхтаев.

Қуролли кучлар сафида хизмат қилиш шарафли ва масъулиятли, дейди округ қўшинлари қўмондони, подполковник Акмал Комилов.

2003-2004 йил қишки ўқув мавсуми жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарлик натижаларининг таҳлили, қўшинлар таркибиде сержантлар мактабиде таълим олган кадрлар сонининг орттиши жанговар шайлик даражасини кўтариш ва округ олдида турган вазифаларни муваффақиятли олиб етish имконини берапти.

Хар бир сержант ўз ўрнида тарбиячи ва унинг асосий вазифаларидан бири шахсий таркиби ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва сарокат тўйибсини шакллантиришда оғирларга кўмаклашишдан иборат.

Сержантлар мактабини муваффақиятли тугаллаган Т.Турмонбетов, У.Ибодов, С.Куданов, З.Йулдошев,

рий жамғармаси раисининг муовини А.Қалимбетова, республика «Қамолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати бўлим мудури А.Орлобоевларнинг

СЕРЖАНТЛАР

чиқилари анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдириди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежларида харбий ватанпарварлик мавзусида суҳбат ва мулоқотлар уюштирилди, кўзга кўринарли жойларга кўргазмали тарғибот воситалари ўрнатилди.

«Ватанга сарокат, касбий маҳоратни тақомиллаштириш, мустақкам харбий интизом, техника ва қурол-ярроғни қўллашга доимо жанговар тайёрлиги қўшинлар-юксак жанговар шайлиги ва қобилиятининг гаровидир» мавзусида олиб берилган 2003-2004 ўқув йили якунлари сержантлар ташкилоти-чилиги ва аскарлар фаоли-тини яна бир намойиш қилди.

Сержантлар яқин маслаҳаттўй ва мураббийимиз, дейди қисмлардан бирида хизмат қилаётган қашқадарёлик Б.Норбеков. — Биз ёш аскарлар улاردан ўрнак олиб, ўзимизнинг харбий ва жанговар тайёргарлигимизни мустақкамлаялган.

Армия сафида хизматни муваффақиятли ўтаётган сержантлар таркиби харбий жамоани жишлаштирувчи халқилувчи кўчга айланган.

ЁЛКИН

ПАСТ БЎЙЛИЛАР КЛУБИ

Паст бўйли кишилар кино ёки театрга тушишганда анча асабийлашади. Чунки кинода — экранни, театрда — сахнани кўришлари қўйин бўлади.

ПАРЛАМЕНТ НИМА ДЕГАНИ?

«Парламент» сўзи франгузчадан олинган бўлиб, «расмий сузлашиш жойи» деган маънони англатади. Парламент биринчи бор XIII асрда Англияда давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида уювжуда келиб, XVII-XVIII асрларда бошқа мамлакатларга ёйилди.

Турфа олам

лис деб аталади. Парламент қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини амалга оширади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият органи хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ ва Латин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Буюк Британияда — Парламент, Россияда — федерал Кенгаш, Хитойда — Халк вакиллари Буюк Хитой Мажлиси, Германияда — Бундестаг, Швейцарияда — федерал Мажлиси, Украинада — Олий рада деб номланади.

«ТАДБИРКОР АЁЛ» УЮШМАСИДА

ўқув курслари ташкил этилди


Жамила Тўймаева мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ онаси Яхшигул опанинг тикувчиликка ҳавас қиларди. Маҳалладаги кўни-кўшин, хотин-қизлар опанинг маҳорат билан бежирим тиккан кийимларига қобиқ, тикувчилик сир-асрорларини ундан ўрганишган.

Яқкабўғлиқ тадбиркор аёл Жамила Тўймаева бошлаган ушбу хайри иш тўйфаили хотин-қизлар манфаатлари мустақкам ҳимоя қилинмоқда.

Компьютер ўқув курси раҳбари Дилфуза Абдуллаева, тикувчи-бичуви Розия Жавлиева, аёллар пардозчиси Шўхрата Тошмирзаева, инглиз тили курси раҳбари Ирода

лини осон қилишга киришилди. Бугунги кунда уюшмага 38 нафар тадбиркор аёзо хусобланади. Жойларда янгидан иш бошлаётган тадбиркор аёлларга маслаҳат бериш, уларнинг бизнес-режасини тайёрлашда уюшма яқиндан кўмак берапти.

«Жонбек» мебел ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Муҳаррам Раҳматов, «Обод-Ғуржоб» фирма-



Ибрат

Алмардоновалар қабилар хотин-қизларни касбга ўргатишда алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда.

АҚШ Давлат департаменти томонидан ташкил этилган «Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш дастури» асосида Ж.Тўймаева шу йилнинг ёзида океан ортида бўлиб, у ердаги тадбиркорлар фаолияти билан танишишга қайтди.

АҚШнинг халқро тараққийёт агентлигининг Евро Осиё фонди гранти асосида ташкил этилган «Аср аёли» ўқув марказининг иш бошлаганлиги хотин-қизларни малакали мутахассислар бўлишларига имкон яратяпти.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири Суратларда: «Тадбиркор аёл» уюшмаси фаолиятдан лавҳалар

БЕЛБОҒ КУРАШИ

Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида кураш ва белбоғ кураши бўйича Республика очик турнир бўлди. Унда юртимиз полвонларидан таъшқари Қирғизистондан келган спортчилар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон кураш федерацияси, Белбоғ кураши федерацияси ҳамда Мингбулоқ туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган турнирда 200 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Курашда Баҳриддин Исмоилов, Аюбхон Камолов, Ҳикмат Куртов, Шерали Жўраев, Хурсанд Оллоберганов, Давлат Чориев ва Нодирхон Музаффаров каби полвонлар ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Белбоғ кураши бўйича эса Кодир Умрзоков, Рустам Умаров, Музаффар Мирзақонов, Ихтиёр Эгамов, Нуриддин Ғозиев, Шерзод Мирзаонов ҳамда Шўхрат Бозоров шохсупанинг юқори погонасидан жой олди.

ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ақунланди. Унда 30 нафардан зиёд спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Яқкалик баҳсида Дарья Мажаева шохсупанининг энг юқори погонасидан жой олди. Кейинги ўринлар Валентина Попова ва Валерия Золотихга насиб этди.

Жуфтлик беллашувларида Наталья Корнаева ва Валентина Поповага тенг келадигани топилмади. Валерия Золотих ва Албина Шокирова жуфтлиги — иккинчи, Динара Ибрагимова ва Анастасия Артишова жуфтлиги эса учинчи ўринни олди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси тиббий фанлари доктори, профессор Наима Махмудовага кизи ДИЛВОНАНИНГ бевақ вафот этганлиги муносабати билан қуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУҲАММАД ҲАФИФ

(Ўейлон) да бўлиб, будда уламолари билан мунозара қилган. У замона шайхларидан Хорис Масҳабий, Абулқосим Жунайд, Абумухаммад Равим, Абулқасим Ато ва Убуру бинни Усмоновларни илм ва ҳақиқатни билган донишмандлар сифатида алоҳида эҳтиром қиларди.

Муҳаммад Ҳафифдан ислом тарихи, сўфизм назарияси ва амалиётига доир ўнлаб илмий рисолатлар мерос қолган. У ўша давр исломшунослари, илм-адаб аҳли томонидан илиқ кутиб

олинган. Унинг «Шарф ал-факр», «Шарҳи ал-фазойил», «Ал-фусул фи-ал савал», «Ал-савомей ал-манқатайн», «Ихтилоф ал-нос фи ал-рух», «Ал-муфродот», «Ал-жомеъ ал-тафриқа» сингар рисолатлари қўллаб нухсаларда кўчирилиб, кенг тарқатилган.

Абубакр мени кўрсатди. Бу орада намоз вақти бўлди. Барча мени имомликка ўтишимни сўрадилар.

Йўғев, устод шайхлардан бири имомликка ўтишим мен хали бу мартабага муносиб эмасман, — дедим. — Шундай китобни ёзган одамнинг имоматга ўтиши вожиб, — сўзларида қатъий

Жума ўғитлари

туриб олишди улар.

Шарқда буюк Шайх Ҳафифнинг илмий салоҳияти-ю машриқ замин бўйлаб саёҳатлари хусусида қўллаб ривоят ҳамда нақллар мавжуд.

Нақл қилибдурларким, Абдулло Ҳафиф айтур: бир дарвеш киши менинг қоши-мга келди. Ман ғурусна эрдим. Эрса очликнинг асарин англаб мани уйига олиб борди. Бир нон ва бир пора гўшт менинг олдимга қўйди. Гўшт андақ бўйлаб эркан, кўнглумда қароҳат бўлиб, гўштни емадим. Дарвеш дедиким: — Егил, ҳалолдир.

Ва мен емадим. Дарвеш ман гўштни емаганим учун

тўла хижил бўлди. Андин сўнг ман Ҳажга сафар қилдим. Бисёр жамият билра йўлга кирдуқ. То боргунча йўлдин озука ва егали ҳеч нарса йўқ эрди. Ва ман сабр қилур эрдим. То ўлғунча бўлдумки бир неча ҳалга бир эт сотиб олиб, қабоб қилдим ва егали қасд қилиб эрдим, ул дарвешнинг меҳмон қилгани ва мен гўштни емаганим ва дарвешнинг хижил бўлгани ёдимга тушди. Дарҳол таваб қилдим. Чун Ҳаж қилиб ёндим, эрса у дарвеш ёнига бориб узар айтдим.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

Advertisement for ISHONCH newspaper, including contact information for the editorial board, phone numbers, and subscription rates.

Advertisement for the Uzbekistan Chamber of Entrepreneurs (Узбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси).